



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



ЯССАВИЙ ҲИКМАТЛАРИДА ЗИКР ТАЛҚИНИ

Зойир Юсупович Яллақаев,

Термиз давлат университети ўқитувчиси

zoyiryallaqayev@gmail.com

Телефон: +998 (99) 671-48-40

Аннотация

Ушбу мақолада Аҳмад Яссавий ҳикматларида зикр тушунчасининг нафс тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Муаллиф зикрни инсон қалби ва руҳини покловчи, нафс ҳавосини жиловловчи ҳамда солиқни Ҳаққа яқинлаштирувчи маънавий восита сифатида талқин этади. Мақолада зикрнинг турлари — тил, қалб ва сирр зикрлари ҳақида фикр юритилиб, уларнинг тасаввуфий моҳияти Яссавий ҳикматлари асосида ёритилган. Шунингдек, зикрнинг инсонни гуноҳдан сақлаш, қалбни нурлантириш, маънавий комилликка етказиш ва шайтон васвасаларидан муҳофаза қилишидаги ўрни мисоллар орқали очиқ берилган. Хулоса сифатида Яссавий ҳикматларидаги зикр мавзуси нафс тарбияси ва инсон маънавий камолоти билан чамбарчас боғлиқ эканлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: *нафс, ҳаво, зикр, зикри тил, зикри қалб, зикри арра.*

Абстрактный

В данной статье анализируются роль и значение понятия зикра в воспитании нафса в хикматах Ahmad Yassaviy. Автор рассматривает зикр как духовное средство, очищающее сердце и душу человека, обуздывающее страсти нафса и приближающее суфия (салика) к Истине (Богу). В статье рассматриваются виды зикра — словесный, сердечный и тайный зикр, а также раскрывается их суфийская сущность на основе хикматов Яссави. Кроме того, на примерах показана роль зикра в защите человека от греха, просветлении сердца, достижении духовного совершенства и ограждении от наущений шайтана. В заключение подчеркивается, что тема зикра в хикматах Яссави тесно связана с воспитанием нафса и духовным совершенствованием человека.

Ключевые слова: *нафс, страсть, зикр, языковой зикр, сердечный зикр, зикр арра.*

Abstract.

This article analyzes the role and significance of the concept of dhikr in the spiritual discipline of the nafs in the wisdoms (hikmats) of Ahmad Yassaviy. The author interprets dhikr as a spiritual means that purifies the human heart and soul, restrains worldly desires, and brings the seeker closer to the Truth (God). The article discusses the types of dhikr — verbal dhikr, dhikr of the heart, and secret dhikr — and explains their Sufi essence on the basis of Yassaviy's hikmats. Furthermore, through various examples, the study highlights the role of dhikr in protecting a person from sin, illuminating the heart, leading to spiritual perfection, and safeguarding one from satanic temptations. In conclusion, it is emphasized that the theme



of dhikr in Yassaviy's hikmats is closely connected with the purification of the nafs and the spiritual perfection of the human being.

Keywords: *nafs, desire, dhikr, verbal dhikr, heart dhikr, saw dhikr.*

Яссавий ҳикматларида зикр нафсни тарбия этишнинг энг қисқа ва самарали усулларида бири сифатида талқин этилган. Зикр сўзи луғатда “эслаш, ёдга олиш” маъноларини англатса, тасаввуфий истилоҳ сифатида инсон ўз Яратувчисини тили, қалби ҳамда руҳи (сирри) билан эслашидир. Яссавийликнинг назарий асослари акс этган мўътабар манбаларда зикр уч тур эканлиги қайд этилади:

Биринчиси: тил зикри бўлиб, бу авомун-нос яъни оддий халқ зикри;

Иккинчиси: қалб зикри бўлиб, хос кишилар яъни орифлар зикри;

Учунчиси: сирр зикри бўлиб, бу хос ул-хослар яъни энг етук валоят соҳибларининг зикри.²¹

Яссавий ижодида зикрга кенг ўрин ажратилган. Улуғ шоирнинг фикрича зикр нафсни энг осоненгиш, унинг барча қутқуларидан тезда қутилиш ҳамда солиқни Аллоҳ таолога қисқа фурсатда яқинлаштирувчи восита. Дарҳақиқат, зикр ҳавойи нафснинг тийиқсиз майлларини аввало тўсувчи, сўнгра эса кесувчи “арра”дир. Умуман, Яссавий ўз ҳикматларида нафс тарбияси ва ислоҳи борасида зикрни қуйидагича талқин қилган дейишимиз мумкин:

1.Зикр – инсонни фатҳ этувчи яъни очувчи (қалбини очувчи) ва Роббисига боғловчи восита сифатида. Бу ерда Яссавий **“Мени эслангиз, сизни эслаيمان”** (2/152) ояти ғоясини назарда тутган:

Аллоҳ дегон бандаларни инояти,

Талабида юргон банда Ҳақ раҳмати,

“Фазкуруни азкуркум” Ҳақ ояти,

Дам ғанимат, Аллоҳ зикрин ойгинг, дўстлар.²²

2.Зикр – гуноҳларни яъни ҳавойи нафснинг нажас ишларидан қалбга тушган киркинликларни ювиб тозаловчи сифатида. Яссавий бу ерда **“Лекин уларнинг дилларини қилган гуноҳларининг кирлари босиб (қоплаб) олгандир”** (83/14) ояти мазмунини назарда тутган;

“Киши зикр айтмаса ёзуқ аримас” (Д.Ҳ. 117-б)

Зикрин айтиб ичу ташим тохир бўлди. (Д.Ҳ. 31-б)

3.Зикр – инсонга нур эндириб қалбига ором берувчи восита сифатида;

Дийдор кўрай деган ошиқ бўлур бедор,

Юрса, турса, ётса, қўбса зикрин айтар.

²¹ Улуғ Авлиё Шайх Худойдод Вали. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2017. – Б. 101.

²² Яссавий, Хожа Аҳмад. “Девони Ҳикмат”. – Тошкент: “Наврўз”, 2018. – Б. 142. Бундан кейин девондан олинган иқтибослар қавс ичида бериллади.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



Ичи таши андоқ кулни нурға тўлар,

Аллоҳ нурин андоғ кулга сочар, дўстлар. (Д.Ҳ. 68-б)

4.Зикр – кўнгил кўзини, яъни қалб ичидаги фуад кўзини очувчи сифатида;

Қаю кулга Аллоҳ ёди бўлса хамроҳ,

Очилур кўзи, йўлин топар, бўлмас гумроҳ. (Д.Ҳ. 47-б)

5.Зикр – инсонни гуноҳ ишлардан узоқлаштирувчи сифатида;

Ёдлик кулдин қочар эрмиш ғафлат, гуноҳ,

Рўзи қилса гуноҳлардин қочсам мано. (Д.Ҳ. 47-б)

6.Зикр – душмандан асровчи, тўсиқ-парда бўлувчи сифатида;

Зокир бўлиб, зикрин айтса келгай нидо,

Шайтон лаин етмиш фарсанг бўлгай жудо.

Дарди бўлса Ҳақ дардига бергай даво,

Андоғ кулни Ўзи излаб жонон қилур. (Д.Ҳ. 108-б)

Бу ерда зикр солиқнинг дунёдан олаётган нарсасини Аллоҳни эслаб У учун олишига ва бу билан уни дунё ва ундаги душманлардан тўсувчи пардага айланиши назарда тутилган. Инсонларнинг фасод бўлиши, кишилар жамоасининг маънавий қашшоқлашиши бу зикрнинг йўқлиги сабабидан пайдо бўлади. Зикрсиз одамни шайтон осонгина мағлуб этиб унга ўз ҳукмини ўтказди. Ёмонлик манбаси (шайтон) даъф этилмай туриб яхшилик (Раҳмоний) ишларни рўёбга чиқариб бўлмайди. Мусулмон шарқида “бисмиллаҳ”дан олдин “Аъзубиллаҳи минаш-шайтонир рожим” ни айтиш урфининг ҳикмати ҳам шу. Шу боис зикр инсон учун раҳмат бўлиб, у Аллоҳнинг бандаларга берган паноҳ-қўрғони, балки одам у билан шайтоннинг васвасасидан озод бўлади:

“Аъзубиллаҳи минаш-шайтонир рожим” десам...

Шайтон лаин мендан йироқ қочармукин? (Д.Ҳ. 196-б)

Ҳавойи нафснинг сотқинлиги солиқни ҳар лаҳзада шайтонга тобе қилиш, Ҳақ ёдидан чалғитиш, дунё лаззати томон буришдир. Буюк шоир ҳатто инсон жуфти билан қовушишдан олдин паноҳ сўраб зикр айтмаса ҳосил бўладиган фарзанд шайтон қавмига айланиб қолиши мумкинлигидан огоҳ этиб зикр билан душмандан ҳимояланишга чақиради:

Бетаҳорат зикр айтганга лаънат ёғар,

Ўшал куни бўлган фарзанд шайтон туғар.

Ўшал пайтда шайтон келиб анга боқар,

Келинг, йиғилинг, зокир куллар, зикр айтайлик. (Д.Ҳ. 219-б)

7. Зикр – жисмоний, қалбий ва қолаверса, барча касалликларга даво воситаси сифатида;



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



“Ҳақни зикри жумла дардни давосидур” (Д.Ҳ. 264-б)

8. Зикр – инсон руҳи ва нафсига ҳақиқий ҳаёт лаззати сифатида. Яссавий чинакам ширин кечмиши, лаззатни зикрда деб билади. Чунки бу лаззат руҳ озуқаси бўлиб, у абадийдир. Нафс лаззати эса ел бўлиб тезда фоний бўлувчи. Ошиқ шоир “Минг бир отинг тасбеҳ қилсам, оғзимда қанд” дея қайд этади бу ҳолатни. Ёки:

“Аллоҳ” деган қанду асал пайдо қилди” (Д.Ҳ. 75-б)

9. Зикр – зокирни нафсу ҳаво исканжасидан қутқариб, “кўнгил зангорини” тозалаб, Ҳақ жамоли мушоҳадасига етказувчи маркаб сифатида;

Аллоҳ ёди нури кимга ато бўлса,

Нафсу ҳаво манманликдан қочар эрмиш. (Д.Ҳ. 142-б)

Юрсанг, турсанг, ётсанг, қўбсанг зикрин айгсанг,

Зокир бўлиб, шокир бўлиб жондин ўтсанг,

Валлоҳ, биллоҳ, дунё ҳаром, тошлаб отсанг,

Ҳақ жамолин кўрсатмаса зомин бўлай. (Д.Ҳ. 157-б)

10. Зикр – инсонни дунёнинг паст ҳаётидан Арш улуғлигига қадар юксалтирувчи омил сифатида;

“Ла илаҳа иллаллоҳ” деган кулнинг оғзидан,

Бир яшил қуш янглиғ бўлиб учор эрмиш.

Қанотлари тўқуғлиқ дуру ёқутдин,

Парвоз қилиб, Аршдин Аршга қўнар эрмиш. (Д.Ҳ. 153-б)

Яссавий ўз тариқатида нафс муолажаси учун зикрнинг ҳар икки туридан, жаҳрий зикрдан ҳам, махфий зикрдан ҳам бирдек фойдаланганлигини кўриш мумкин. Бунини ҳикматларида шундай таърифлайди:

Тилда айғил “Лаа илаҳа иллаллоҳ”,

Ичга солғил, ҳар нафасда бўлғил огоҳ.²³

“Рисолаи зикри Ҳазрат Султон ул-орифин” номли чиғатой туркчасида ёзилган муаллифи номаълум асарда Яссавия тариқатидаги жаҳрия зикрларни “Исми Зот”, “Исми сифат”, “Дусере зикри”, “Ҳу зикри”, “Зикри Чайкун” ва “Чехар зарб-тўрт зарб” каби олтига зикр турига бўлганлиги келтирилади. Ушбу асарда бундан ташқари “Зикри кабутар” деб номланган яна бир зикр тури ҳам қайд этилиб, ушбу “Кабутар зикрида “Ҳу – Ҳу” дея ичга айгилиши зикр қилинган.²⁴

Хусусан, зикри арра (жаҳрия) яссавийликда шайтон ва нафсни ўлдиришга ихтисослашган зикр усулидир. Зоҳирий маънода бу зикрни аррага ташбеҳ қилишда

²³ Яссавий, Хожа Аҳмад. Умринг елдек ўтаро... [Матн]: ҳикматлар / А. Яссавий. – Тошкент: “Muharrir nashriyoti”, 2020. – Б. 171.

²⁴ TOSUN, N. Ahmet Yesevi. Ankara, Mart 2020. – Б. 47-51.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



томоғдан чиқаётган товуш асос бўлган бўлса ҳам ботиний маънода уни арра каби нафс ҳавосидаги турли чиркин майлларни, хоҳишларни ўлдириши назарда тутилган:

Ху аррасин олибон, нафс бошига солубон,

Туну-куни толиблар, жонни қурбон қилинлар. (Д.Ҳ. 175-б)

Ҳикматларда хуфя (махфий) зикрларни “зикри қалб”, “зикри сирр” каби латоиф зикрларида кўриш мумкин. Маълумки, зикри сирр валоятда валийлик мақомини эгалламоқчи зокирлар қиладиган зикр бўлиб, тил ва қалбдан ўтмаган, фақат руҳ орқали қилинадиган энг яширин зикр ҳисобланган. Яссавий солиқнинг нафсини поклаши, руҳини юксалтириш учун бу зикрларни тақомилига етказиши зарур эканлигини таъкидлайди:

Кеча ётмай хоби ғафлат ҳаром қилса,

Зикру қалбу зикри сирни тамом қилса.

Минг бир отин тасбеҳ қилиб, калом қилса,

Банда на деб даргоҳиға хато қилсун. (Д.Ҳ. 97-б)

Назарий жиҳатдан зикрнинг нима учун жаҳрия ва махфия турларга бўлиниши ҳикматини Ҳаким Термизий “душман”ларнинг васвасаларини ички ва ташқи томондан бўлганлиги билан изоҳлайди. У киши дейдики: “Васваса икки хил бўлади: биринчи и, нафсдан бўлган васваса. Унинг давоси нафсга муҳолафат этиш ва қалб зикри (хуфя зикр) билан бўлади. Иккинчиси, шайтондан бўлган васваса. Бу васваса Раҳмоннинг зикри (жаҳрий зикр) билан зойил бўлур ва барҳам топур:”²⁵ Муршид шоирнинг нафс риёзати учун ҳар иккала зикр усулини самарали қўллаганининг ҳикмати ҳам шунда. Умуман, Яссавийнинг нафс тазкияси ва тарбиясидаги қарашларида ҳал қилувчи роллардан бирини зикр эгаллаган дейишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда Яссавий ҳикматларида таърифланган зикр мавзуси айнан нафс тарбиясига оид дейишимиз мумкин. Зеро, аввало, ёмонликни даф қилмасдан туриб инсон табиатида соғлом дунёқарашни, барқарор ички маънавий муҳитни камол топтириш амри маҳол. Инсон нафсини тарбия қилиш ва поклаш, унинг маънавий дунёсини ривожлатиришда шоир ҳикматлари дастурул амал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Баёнул фурқон фи таржиматил қуръон. Қуръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Шайх Муҳаммаджон мулло Рустам ўғли (Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний). Ҳозирги тилимизга табдил қилиб нашрга

²⁵Маърифатул асрор (Сирлар маърифати) [Матн] / Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий; таржимон: А. М. Турсунов; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур; Ўзбекистон Мусулмонлар идораси. – Тошкент: Movorounnahr, 2017. – Б. 74.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



тайёрловчи, сўзбоши ва қавс ичидаги изоҳлар муаллифи: Сайфиддин Сайфуллоҳ. – Тошкент: Мунир нашриёти, 2022. – 830 б.

2. Маърифатул асрор (Сирлар маърифати) [Матн] / Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий; таржимон: А. М. Турсунов; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур; Ўзбекистон Мусулмонлар идораси. – Тошкент: Monorounnahr, 2017. – 104 б.

3. Яссавий, Хожа Аҳмад. / “Девони Ҳикмат”. / - Тошкент: “Наврўз”, 2018. – 360 б.

4. Яссавий, Хожа Аҳмад. Умринг елдек ўтаро... [Матн]: ҳикматлар / А. Яссавий. – Тошкент: “Muharrir nashriyoti”, 2020. – 400 б.

5. Шайх Худойдод Вали. Улуғ Авлиё [Матн] / Шайх Худойдод Вали. – Тошкент: “O'zbekiston” НМИУ, 2017. – 272 б.

6. TOSUN, N. Ahmet Yesevi. Ankara, Mart 2020.

